Volume 3, Issue 1,2024

ИСБОТЛАШДА ОДАМ ДНКСИ СУД-БИОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАСИНИ ТАЙИНЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Абдурахимов Мухтор Ходжиакбарович
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ташкилий департаменти Юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Аннотация: Ушбу мақолада жиноятларни тергов қилишда экспертиза тайинлаш масалалари, шунингдек, одам ДНКси суд-биологик экспертизаси бўйича экспертлар олдига қўйиладиган саволларни тузишда ҳисобга олиниши керак бўлган ҳолатлар, саволларни тузишга оид талаблар ва уларни тузишнинг умумий қоидалари кўриб чиқилган.
Таянч тушунчалар: эксперт, экспертиза тайинлаш, одам ДНКси суд-биологик экспертизаси, эксперт олдига қўйиладиган саволлар.
Аннотация: В этой статье рассматриваются вопросы назначения экспертизы при расследовании преступлений, а также, случаи, которые должны учитываться при составлении вопросов эксперту по судебно-биологической экспертизе ДНК человека, требования к этим вопросами и общие правила их составления.
Основные понятия: эксперт, назначение экспертизы, судебно-биологическая экспертиза ДНК человека.
Annotation: This article discusses the issues of the appointment of expertise in the investigation of crimes, as well as cases that should be taken into account when drafting questions to an expert on forensic biological examination of human DNA, the requirements for these issues and the general rules for their compilation.
Basic concepts: expert, appointment of expertise, forensic biological examination of human DNA.

Ҳозирги даврда замонавий илм-фан ривожининг ютуқларидан фойдаланмасдан туриб, жиноятчиликка қарши самарали курашишни тасаввур қилиш қийин. Шундай ютуқлардан бири, шубҳасиз жиноят-процессуал муносабатларда одам ДНКси суд-биологик экспертизасининг имкониятларидан фойдаланиш ҳисобланади. Зеро, айнан мазкур турдаги экспертизаларни ўз вақтида тайинланиши ва уларнинг хулосаларини тўғри баҳоланиши жиноятларни тез ва тўла очиш, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо бериш ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги учун айбдорларни фош этиш, шунингдек, қонун талабларини тўғри қўлланилишига хизмат қилади.

ДНКнинг ноёб хусусиятларидан фойдаланиб, криминалистик вазифаларни ҳал этишда ҳодиса жойида аниқланган биологик келиб чиқишга эга бўлган изларни тадқиқ қилиш энг муҳим босқич ҳисобланади. Бунинг учун одам ДНКси суд-биологик экспертизасини ўтказиш талаб этилади.

Одам ДНКси суд-биологик экспертизасини ўтказишда терговчи аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни тўғри белгилаб олиши, ана шу ҳолатлардан келиб чиқиб, экспертлар олдига қўйиладиган саволларни шакллантириши зарур. Мана шу саволларни тузишда, ички ишлар органлари тергов бўлинмалари томонидан бир қатор хато ва камчиликларга йўл қўйилмоқда. Хусусан, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳ.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази (кейинги ўринларда – Ҳ.Сулаймонова номидаги РСЭМ) томонидан берилган маълумотларга кўра, одам ДНКси суд-биологик экспертизаси ўтказиш билан боғлиқ қуйидаги асосий 4 та муаммо ва камчиликлар мавжуд:

1) Терговчилар томонидан одам ДНКси суд-биологик экспертизаси ҳал қилмайдиган масалалар бўйича саволлар қўйилиши;

2) Тергов учун аҳамиятга эга бўлмаган тақдқиқотлар ўтказиш бўйича экспертиза тайинлаш (масалан, гумон қилинувчи ўғил бола томонидан қиз боланинг номусига тегиш ҳолатида, гумон қилинувчининг кийимларидаги сперматазоид ҳужайралар кимга тегишли эканлиги ҳақидаги саволлар қўйган ҳолда);
3) Экспертиза текшируви учун тақдим этилаётган намуналар қадоқ ва муҳр бутунлигига риоя этмаслик;
4) Қадоқдаги ёзувлар билан қарорда кўрсатилган ёзувларда тафовутлар мавжудлиги [1].
Одам ДНКси суд-биологик экспертизасини ўтказиш билан боғлиқ статистик маълумотларга эътибор қаратсак, Ҳ.Сулаймонова номидаги РСЭМ томонидан 2016-2020 йилларда ўтказилган одам ДНКси суд-биологик экспертизалари сони ортиб бориши билан бир қаторда, суриштирувчи ва терговчилар томонидан уни тайинлаш сифати пасайиб бормоқда. Натижада, сўнгги 5 йилликда тайинланган экспертизаларнинг 12 % экспертиза ўтказилмасдан қайтарилган [2].
Бундан ташқари, одам ДНКси суд-биологик экспертизасини тайинлаш асослари бўйича таҳлили сўнгги 5 йилда тайинланган одам ДНКси суд-биологик экспертизаларининг 70 %ни фуқаролик масалалари бўйича ишлар ташкил этаётганлигини кўрсатмоқда. Бу эса терговчилар томонидан ҳодиса жойидан биологик келиб чиқишга эга бўлган изларни аниқлашда сусткашликка йўл қўйилаётганлигини кўрсатмоқда.
Тергов бўлинмалари томонидан жиноят иши ва терговга қадар текширув ҳужжатлари бўйича чиқарилган одам ДНКси суд биологик экспертизаси тайинлаш ҳақидаги қарорлар ўрганилганда, унда Ҳ.Сулаймонова номидаги РСЭМ томонидан билдирилган айрим камчиликлар ҳақиқатдан ҳам мавжуд эканлигини кўриш мумкин бўлади.
Мисол учун, вояга етмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар содир этганлиги ҳолати юзасидан ЖКнинг 129-моддаси 1-қисми билан қўзғатилган жиноят иши бўйича одам ДНКси суд-биологик экспертизаси тайинланган бўлиб, унда эксперт олдига гумон қилинувчининг ич кийимида аниқланган спермани унинг ўзига тегишли ёки тегишли эмаслигини аниқлаш бўйича савол қўйилган. Гумон қилинувчининг ич кийимидаги биологик излар унинг ўзига тегишли эканлигига аниқлик киритишнинг сабаблари мавҳум бўлиб қолган.
Ёки, терговчи томонидан эксперт олдига гумон қилинувчи ва жабрланувчининг кийимларида аниқланган сперманинг одам ёки ҳайвонга тегишли эканлигини аниқлаш юзасидан савол қўйилган. Иш ҳужжатларидан кўринишича, мазкур жиноят ишида ҳайвонларнинг спермасини аниқлаштириш лозим бўлган ҳолатлар мавжуд эмас.
Аксарият жиноят ишлари бўйича одам ДНКси суд-биологик экспертизаси тайинлаш ҳақидаги қарорда экспертлар олдига: экспертиза учун тақдим этилган материаллардан ДНКни ажратиб олиш мумкинми?; Ушбу биологик материалдан генотипни аниқлаш мумкинми? деган мазмунан бир-бирини такрорлайдиган саволлар кетма-кет қўйилган. Биологик материалдан генотипни аниқлаш деганда биологик материал инсонни идентификация қилиш имконини берувчи геномга оид ахборотни олиш учун яроқли ёки яроқсиз эканлигини аниқлаш тушунилади. Яъни, биологик материалнинг яроқли эканлиги ундан генотипни аниқлаш мумкин деган мантиқий хулосага олиб келади.
Айрим терговчилар қўшимча ва қайта экспертизанинг мазмунини адаштириб юборганлар. Мисол учун, ЖКнинг 128-моддаси 1-қисми билан қўзғатилган жиноят иши бўйича дастлаб одам ДНКси суд-биологик экспертизаси тайинланган бўлиб, унга кўра гумон қилинувчи шахс қиз чақалоқнинг отаси эмаслиги аниқланган бўлса-да, кейинчалик, терговчи экспертнинг биринчи хулосасига қўшилмаганлиги сабабли “қўшимча одам ДНКси суд-биологик экспертизаси тайинлаш ҳақида қарор” чиқариб, эксперт олдига гумон қилинувчининг туғилган қиз генетик жинсидаги чақалоққа нисбатан биологик ота-оналиги тасдиқланадими? деган мазмунда такрорий савол қўйилган. Аслида, ЖПКнинг 176-

моддасига кўра қўшимча экспертиза аввалги экспертиза хулосасидаги бўшлиқларни тўлдириш учун тайинланиши қайд этилган. Қайта экспертиза эса ЖПКнинг 176-моддасида эксперт хулосаси асослантирилмаганда ёки унинг тўғрилигига шубҳа туғилганда ёхуд унга асос қилиб олинган далиллар ишончли эмас деб топилганда ёки экспертизани ўтказишнинг процессуал қоидалари жиддий бузилганда тайинланади. Бизнинг мисолда терговчи бўшлиқни тўлдириш эмас, аввалги хулосадаги фикрга қўшилмаганлиги сабабли, битта саволни эксперт олдига такроран қўйиб, такрорий экспертиза тайинлаши лозим эди. Шу сабабли, терговчи қўшимча экспертиза тайинлаб хатога йўл қўйган.

Терговчилар айрим саволларни тузишда грамматик ва стилистик хатоликларга йўл қўймоқдалар. Масалан, гумон қилинувчи томонидан жабрланувчи билан жинсий алоқа қилганлиги натижасида ўғил бола фарзанд дунёга келганлиги ҳолати юзасидан Чироқчи туман ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлими томонидан терговга қадар текширув давомида эксперт олдига экспертиза текширувидан ўтказилаётган бола жабрланувчидан туғилганми? деган таҳрирда ноаниқ ва қўпол таҳрирда савол қўйилган. Назаримизда, мазкур савол қуйидагича бўлиши лозим эди: Экспертиза текшируви учун тақдим этилган ўғил бола жинсидаги чақалоқнинг биологик онаси жабрланувчими ёки бошқа шахсми?

Худди шу каби, экспертлар олдига қўйилаётган саволларни мазмунан нотўғри ифодалаш ҳолатлари мавжуд. Мисол учун, терговга қадар текширув материаллари бўйича тайинланган одам ДНКси суд-биологик экспертизаси тайинлаш ҳақидаги қарорида қуйидаги саволлар қўйилган:

1. “Г-1”, “Г-2”, “Г-3” ва “Г-4” дан олинган қон ва сўлак намуналари тадқиқот учун яроқлими?
2. Агар намуналар ДНК тадқиқоти учун яроқли бўлса, у ҳолда 01.01.2019 йилда туғилган қиз жинсли чақалоқнинг отаси ким?

Бу ерда эксперт олдига қўйилган иккинчи савол эксперт учун мавҳум бўлиб қолган, яъни кимларнинг орасидан текшириш зарурлиги кўрсатилмаган. Фикримизга кўра, терговчининг иккинчи саволи қиз жинсли чақалоқнинг отаси ким? деб эмас, балки қиз жинсли чақалоқнинг биологик отаси “Г-1”, “Г-2”, “Г-3”, “Г-4”ми ёки бошқа шахсми? деган мазмунда бўлиши зарур эди.

Мана шундай, мавҳум, тушунарсиз, турли талқинга олиб келиши мумкин бўлган ёки иш мазмунидан келиб чиқмайдиган, грамматик ёки стилистик хатоликлар билан саволларнинг берилиши натижасида одам ДНКси суд-биологик экспертизасининг сифати пасайиб, унинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаслигига олиб келмоқда.

Мана шу камчиликлар экспертлар олдига қўйиладиган саволларни шакллантириш мезонларини ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Бизнинг фикримизга кўра, эксперт олдига қўйиладиган саволларни тайёрлашда замонавий илм-фан ривожининг имкониятларини билиш, саволларни мантиқий кетма-кетликда бериш, экспертдан ҳолатга ҳуқуқий баҳо беришни сўрамаслик лозим.

Юқоридаги фикрларни, қолаверса, ўрганилган одам ДНКси суд-биологик экспертизаси тайинлаш ҳақидаги қарорларни умумлаштирган ҳолда, экспертиза тайинлашда экспертлар олдига қўйиладиган саволлар қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, саволлар аниқ бўлиши, яъни ҳар бир тузилаётган савол иш бўйича бирон ҳолатни аниқлашга қаратилган бўлиши, экспертнинг мазкур саволлар бўйича хулосаси эса иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга хизмат қилиши керак. Ишга алоқаси бўлмаган саволлар фақатгина экспертни чалғитишга олиб келади;

иккинчидан, экспертлар олдига савол қўйишда, мазкур соҳадаги илм-фан тараққиётининг натижалари ҳисобга олиниши зарур. Бугунги кунда ҳар бир экспертиза тури ривожланиб, борган сари криминалистик аҳамиятга эга бўлган бўлган кўпроқ маълумот олиш имконияти юзага келмоқда;

учинчидан, эксперт олдига қўйилган саволлар унинг ваколати доирасидан ташқарига чиқмаслиги лозим;
тўртинчидан, тергов қилинаётган иш бўйича у ёки бу ҳолатга ҳуқуқий баҳо бериш сўралмаслиги керак. Чунки мазкур функциялар бевосита ишни тергов қилаётган мансабдор шахснинг ваколатига тааллуқлидир;
бешинчидан, саволлар икки хил талқин қилинишига йўл қўйилмаслиги, қолаверса, саволлар мантиқий кетма-кетликда қўйилиши, яъни олдинги саволнинг жавобидан кейинги савол келиб чиқиши зарур.
Бундан ташқари, экспертлар олдига қўйиладиган саволлар ҳар бир жиноят туридан келиб чиққан ҳолда турлича бўлиши мумкин. Масалан, вояга етмаган шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича тайинланган одам ДНКси суд-биологик экспертизасининг асосий мақсади фуқарони вояга етмаган шахснинг биологик отаси (онаси) эканлиги ёки эмаслиги фактини тасдиқлашдир. Бунинг учун эксперт олдига қуйидаги намунавий саволларни қўйиш мумкин:
1. Тадқиқот учун тақдим этилган биологик материал (қон, сперма, сўлак) “Г-1”га тегишлими?
2. Агар тақдим этилган биологик материал “Г-1”га тегишли бўлса, фуқаро “Г-1” вояга етмаган “Ж-1”нинг биологик отаси/онасими?
3. Мазкур шахснинг вояга етмаган “Ж-1” билан биологик қариндошлик эҳтимоли қандай?”
Одам ўлдириш билан боғлиқ ишлар бўйича тайинланган одам ДНКси суд-биологик экспертизаси кўп ҳолларда ҳодиса жойидан олинган биологик келиб чиқишга эга бўлган изларни жабрланувчи ёки бошқа шахсларга тегишли эканлигини аниқлашга қаратилади. Мисол учун, фуқаро "Г-1" фуқаро “Ж-1”ни ўлдирганлиги факти юзасидан ҳодиса жойида ердан қонга ўхшаш доғлар олинган бўлиб, экспертга тадқиқот учун тақдим этилган. Мазкур ҳолатда қуйидаги намунавий саволлар берилиши мумкин:
1. Тақдим этилган биологик объект (қонга ўхшаш доғлар) тадқиқот учун яроқлими?
2. Агар яроқли бўлса, қайси турга (қон, тер, сўлак) мансуб?
3. Биологик объект (қон, тер, сўлак ва ҳоказо) фуқаро “Г-1”, фуқаро “Ж-1”га ёки бошқа шахсга тегишлими?
Номусга тегиш билан боғлиқ жиноятлар бўйича кўп ҳолларда ҳодиса жойидан спермага ўхшаш бўлган доғлар аниқланади. Мисол учун, фуқаро “Г-1” зўрлик ишлатиб фуқаро “Ж-1”нинг номусига текканлиги ҳолати юзасидан ҳодиса жойида кўрпача олинган. Терговчи томонидан мазкур ҳолатда жабрланувчи “Ж-1”дан унинг ички кийимлари ва унинг ўзидан суртмалари, гумон қилинувчи “Г-1”дан сперма намуналари олиниши зарур ҳамда экспертлар олдига қуйидаги намунавий саволлар берилиши лозим:
1. Тақдим этилган объектда (кўрпачада, “Г-1” ва “Ж-1”нинг кийимларида) биологик келиб чиқишга эга бўлган излар мавжудми?
2. Агар мавжуд бўлса, қайси турга (қон, сўлак, сперма ва ҳоказо) мансуб ва бу из фуқаро “Г-1”, фуқаро “Ж-1” ёки бошқа шахсга тегишлими?
3. Фуқаро “Ж-1”нинг ўзидан олинган суртмаларда сперма мавжудми?
4. Агар мавжуд бўлса, у фуқаро “Г-1”, фуқаро “Ж-1” ёки бошқа шахсга тегишлими?
Босқинчилик жиноятларида ҳам одам ДНКси суд-биологик экспертизаси ўтказишга зарурат туғилиши мумкин. Мисол учун, фуқаро “Г-1” шериклари “Г-2” ва “Г-3” билан биргаликда жабрланувчи “Ж-1”нинг уйига бостириб кириб, уни пичоқ билан қўрқитиб, унинг кўл-оёқларини боғлаб, уйдан пул маблағларини босқинчилик йўли билан талон-торож қилганликлари ҳолати юзасидан ҳодиса жойидан пичоқ, ниқоблар ва қолқоплар олинган.

Мазкур ҳолатда терговчи томонидан эксперт олдига қуйидаги намунавий саволлар қўйилиши лозим:
1. Тадқиқот учун тақдим этилган ниқобларда биологик келиб чиқишга эга бўлган излар (қон, сўлак ва бошқа) мавжудми?
2. Агар мавжуд бўлса у гумон қилинувчи “Г-1”, гумон қилинувчи “Г-2”, гумон қилинувчи “Г-3”, жабрланувчи “Ж-1”га ёки бошқа шахсларга тегишлими?
3. Тадқиқот учун тақдим этилган қўлқопларда биологик келиб чиқишга эга бўлган излар (қон, сўлак ва бошқа) мавжудми?
4. Агар мавжуд бўлса у гумон қилинувчи “Г-1”, гумон қилинувчи “Г-2”, гумон қилинувчи “Г-3”, жабрланувчи “Ж-1”га ёки бошқа шахсларга тегишлими?
5. Тадқиқот учун тақдим этилган пичоқда биологик келиб чиқишга эга бўлган излар (қон, сўлак ва бошқа) мавжудми?
6. Агар мавжуд бўлса у гумон қилинувчи “Г-1”, гумон қилинувчи “Г-2”, гумон қилинувчи “Г-3”, жабрланувчи “Ж-1”га ёки бошқа шахсларга тегишлими?
Турли халокатларда ташқи кўринишидан таниб олишнинг имкони бўлмаган шахсларни қидиришда албатта ҳодиса жойидан таниб олинмаган мурдаларнинг бўлаклари олиниши зарур. Сўнгра мазкур шахсларни шахсини аниқлашни имкони бўлмаган ҳолларда самолётда бўлган деб тахмин қилинаётган шахснинг шартли равишдаги “Д” ва “Е” исмли биологик қариндошларидан биологик намуналар олинади ва эксперт олдига қуйидаги саволлар қўйилади:
1. Тақдим этилган таниб олинмаган мурда қолдиқлари тадқиқот учун яроқлими?
2. Агар яроқли бўлса, таниб олинмаган мурданинг қолдиқлари фуқаролар “Д” ва “Е”нинг биологик қариндошларига тегишли бўлиши мумкинми?
Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, ҳар бир иш бўйича экспертлар олдига қўйиладиган саволлар жиноятнинг туридан, уни содир этилиш услубидан, қолаверса, ишнинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда турлича тайёрланиши лозимлигини таъкидлаш ўринли бўлади. Ҳар бир ишнинг ўзига хос эканлигини, аниқланиши лозим бўлган ҳолатлари турлича бўлганлиги сабабли, экспертлар олдига қўйиладиган саволларнинг тўлиқ рўйхатини шакллантириш имкони йўқлигини инобатга олиб, терговчилар ўзларининг фаолиятида экспертлар олдига қўйиладиган саволларни тўғри танлашда қуйидаги мантиқий қоидаларга риоя қилишлари зарур:
1) Ҳодиса жойидан олинган биологик келиб чиқишга эга бўлган изларни тадқиқот учун яроқлилиги ва тури аниқланиши лозим;
2) Ҳодиса жойидан олинган ҳар бир биологик келиб чиқишга эга бўлган изни иш бўйича ҳар бир манфаатдор шахсларга (жабрланувчи, гумон қилинувчи, гувоҳ ёки бошқа шахсларга) тегишли эканлигини алоҳида текшириш зарур.
Терговчилар томонидан мазкур қоидаларга амал қилиниши натижасида, биологик келиб чиқишга эга бўлган изларни тўлиқ тадқиқ қилинишига хизмат қилиб, пировардида жиноятларни ўз вақтида фош этилишига эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳ.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази томонидан тақдим этилган маълумот.
2. Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳ.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази томонидан одам ДНКси суд-биологик экспертизаси тайинлаш билан боғлиқ тақдим этилган статистик ҳисоботлар.

3. Поп туман ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлими томонидан ЖКнинг 129-моддаси 1-қисми билан қўзғатилган 142191/2021-111-сон жиноят иши материаллари.
4. Чортоқ туман ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлими томонидан ЖКнинг 128-моддаси 1-қисми билан тергов қилинган 142361/2020-108-сон жиноят иши материаллари.
5. Қибрай туман ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлими томонидан тергов қилинган 272481/2021-168XE-сон, Катақўрғон туман ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлими томонидан тергов қилинган 182151/2021-791G-сон, Нуробод туман ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлими томонидан тергов қилинган 182351/2021-261X-сон, Пастдарғом туман ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлими томонидан тергов қилинган 182271/2021-145OA-сон, Ургут туман ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлими томонидан тергов қилинган 182361/2021-56-сон, Шахрисабз туман ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлими томонидан тергов қилинган 10405-1/2020-70-сон, Косон туман ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлими томонидан тергов қилинган 10229-1/2020-104, 10229-1/2020-49-сонли жиноят ишлари материаллари.
6. Миришкор туман ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлими томонидан ЖКнинг 128-моддаси 1-қисми билан қўзғатилган 10233-1/2019-36JB-сон жиноят иши материаллари.
7. И.Р.Астанов Жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланишнинг процессуал ва криминалистик жиҳатлари. Монография. – Т.: ТДЮУ, 2018. 306 бет.

